

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-ЙИЛ
ЧИКИШИ

№ 16 (4732).

23
ЯНВАРЬ
СЕШАНБА
1973 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

НУКУСДА КЕНГАШ

НУКУС, 19 январь. (УзТАГ). Қорақалпоғистон области партия комитетининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда район партия комитетларининг секретарлари ва район ижроия комитетларининг раислари, совхозларнинг директорлари, колхозларнинг раислари, йирик саноат корхоналарининг, автоном республика ми- нистрликлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

Саноат ва қурилиш ташки- лотларининг январь ойи даст- лабки қурилиш иш якула- лади.

ри, чорва қишлоғи, техника ре- монти, механизатор кадрларни тайёрлаш ҳамда Қорақалпоғис- тон колхоз ва совхозларида қиш- ки дала ишларини ўтказиш қандай олиб борилаётганини кўриб чиқилди.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сў- лади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комите- тининг секретари Н. Р. Қурбо- нов қатнашди.

ПАРТИЯ ХЎЖАЛИК АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

ФАРҒОНА, 19 январь. (УзТАГ). Бугун Фарғона об- ласти партия хўжалик активи- нинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш ишида Фарғона об- ласти билан мусобақадор Анди- жон ва Ленинобод областари- нинг вакиллари қатнашди.

Фарғона области партия ко- митетининг секретари М. Ума- ров саноат корхоналари, қури- лиш, транспорт, алоқа ва ком- мунал-мушайн хизмат ташки- лотлари коллективларининг юбилей йили халқ хўжалик пла- ни ва социалистик мажбурият- ларини бажариш якуллари ҳам- да беш йилликнинг учинчи йили топириқларини муддатидан олдин бажариш учун социалис- тик мусобақани авж олдириш тўғрисида доклад қилди.

Фарғоналиклар Андижон ва Ленинобод областларининг са- ноат корхоналари, қурилиш ва транспорт коллективларини му- собақага чақирдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Ком- партияси Марказий Комитети- нинг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов нутқ сўзлади.



ТОШКЕНТДАГИ «Учкун» тўқимачилик-галантерея фир- масининг ишчи-хизматчилари орасида ўзаро социалистик му- собақа кун сайин қизиб бормоқда. Суратда: нормасини 130 процентга етказиб адо этиб, мусобақада пешқадамлик қи- лётган илгор ишчи Жамила Иброҳимова.

М. Нуриддинов фотоси.

ЙИЛЛАР ОДИМИ

ЎРТА ЧИРЧИК РАЙОНИДАГИ
ТЕРЕШКОВА НОМЛИ КОЛХОЗ АЪЗОЛАРИНИНГ
ЙИЛЛИК ҲИСОБОТ МАҲЛИСИДАН

қишлоқлари қалбида ҳам уч- куллини тобора равшан тортиб боради. Кўпчиликнинг меҳнати тўғрисида, механизацияга қўйил- ган ишларнинг, ушбу ҳар бир ки- ши моҳирлиги билан бошқара олганлиги натижасида колхоз ана шундай юксалишга чиқа ол- ди. Колхоз қишлоғи кейинги йилларда жуда ўзгариб кетди. Янги турар-жойлар қурилди. Дала шийлолари деҳқонлар- нинг қўйил оқувчи жойига ай- ланди. Утган йили кузда икки қаватли, барча қўлайликларга эга бўлган ўрта мактаб биноси, болалар богчаси қуриб битка- нди.

Турмуш фаровонлиги ва обо- дчилиги ишларининг тобора яхшилангани бораётганини кол- хозчилар фидокорона меҳнати тўғрисида, уларнинг бойликлари- га бойлик қўшилиётганлиги са- бабли рўёбга чиқмоқда.

Даромадининг ошиб бораёт- ганлигини бу йилги меҳнат на- тижаларидан ҳам кўриш мум- кин. Колхозчиларнинг бир қу- шлик меҳнатлари 6 сўм 40 ти- нин билан баҳоланмоқда. Улар- нинг ўртача ойлик маошлари 180—200 сўмданга тўғри к- еляпти. Механизаторларнинг ойлик маошлари бундан ҳам кўп.

Механизация ҳақида гап кет- ганда, шунинг айтиш керакики, бу- гунги кунда дала ишларининг ҳам- маси асосан техника воситалари билан бажарилади. Йилнинг те- ринги кўздан кечирадиган бўл- сак, мавсумда колхоз дала- сида «запотори кема»ларнинг кеча-

кувдус ҳайдираб ишлаётганли- гини кўрсатади. Бу ерда машина жуда ҳам қадрланади. Унинг йилдаги бекорга айланиши. Машина юрдию, у иш бажариш керак, деҳқонга нафти те- гиши керак, дейди бу ерлик- лар. Шунинг учун ҳам пахта териш машиналарининг иш уну- ми юқори. Ҳар бир машина билан ўртача 110 тоннадан пахта териб олинди. Бу ер- да шу нарсани айтиб ўтиш ке- ракики, баъзан хўжаликларда ха- ли ҳам терим машиналарининг иш унуми 60—70 тоннадан ош- маётган. Агар пахта териш ма- шиналари билан нам деганда мавсумда 100—110 тоннадан пахта териб олинмас экан, тех- ника сарф-харажати ўзини ях- ни қопламайди. Терешкова но- ми колхоз аъзолари бу йил ма- шиналар иш унумин 120 тон- нага кўтаришмоқчи, еттиштири- лган ҳосилнинг эса 90 процентини «запотори кема»лар билан териб олиш тўғрисида бир қа- рорга келиб қўйишлар.

Донданда яна бир ибратли фикр айтиб ўтилади. Колхозда сарфланган бир килограмм азот ҳисобига 16 килограммдан пахта еттиштирилибди. Бу соҳада 3-бригада аъзолари айниқса юқори кўрсаткични қўлга ки- ритишлар. Улар бир килограмм

азот ҳисобига 18 килограммдан пахта олтишлар. Бу жуда кўп- воқчи. Минерал ўғитдан оқи- лона ўз вақтида фойдаланиш- нинг латифаси ана шундай бў- либ чиққанлигини бошқа кол- хозларда ҳам тарғиб қилса ар- зийди. Минерал ўғитдан фой- даланиш намунали йўлга қў- йилган экан, маҳаллий ўғитлар- ни ҳам далада қўллаб солиш мақсадга мувофиқдир. Агар ҳи- соб-киتاب қилинадиган бўлса фермадан ва бошқа жойлардан жуда қўллаб маҳаллий ўғит- тулган мумкин. Агар ернинг қувватини ошириш учун мине- рал ўғитдан қандай фойдала- нилаётган бўлиса, маҳаллий ўғитдан ҳам шундай фойдала- ниш амалга оширилса, ҳосил- ларнинг колхоз аъзолари мўл- жаллаган 35 центнер асос, ун- дан ҳам юқори бўлади.

Ҳисобот йиғилишида колхоз- чи Қўтби Маҳмадова гапирди. У сўзини чўзмади. Икки оғизга- на гапирди. Лекин шунда ҳам керакли гапни айтди.

— Бригаданим қўшнларим- нига қараганда икки центнер- дан нам ҳосил олди, — деди у, — топириган пахтаимиз 30 центнерга тўғри келди. Бун- дан биз уялиб қолдик. Мажлис бошланмасдан олдин маслаҳат-

лашиб ўтирган эдик. Бу йил 35 центнердан бериб қўшнларим- ниган ўзиб кетамиз. Сувчи Ходибовнинг қис- қача нутқи қўрилишга жуда маъқул бўлди. У бундай деди: — Механизатор билан сув- чи бир-бирининг ишини ҳамма вақт кузатиб боради, агар гўза қаторлари яхши қўшилган бўл- са, у ер-бу ерда қаторлар бузилиб кетса, сув қўйиш пай- тида тракторчининг сирни оқи- либ қолади. Яъни сув яхши юрмайди, тупроққа яхши сиғи- майди. Борди-ю, сувчи гўзани қондириб сўғормаса, этакларин қўзатиб юбorsa, ўзариқлар бузилиб кетса, сувчининг ёмон ишлаганлиги биринчи марта механизаторга маълум бўлади. Сувчи ва механизатор юм қўй- дилиб ишласа, сифатли иш бажарса, ана шунда ҳосил мўл бўлади.

Ходибов яна бир масала ҳақида тўхталиб ўтди.

— Масалан, бир бригаданим гектаридан 40 центнердан ош- ириб ҳосил олинди, иккинчисидан 30 центнердан бўлиб қолди. Биринчи бригаданим ҳам сувчи бир хил маор олади, иккинчи- сидан ҳам. Менмича, ҳосилдор- лиги юқори бўлган бригада сув- чини кўпроқ иш олиш зарур. Ана шунда иш қизикчи, ва- зифасига масъулият ошган бў- лади.

Колхоз сувчисининг айтган бу фикри бизнинг диққатга сазовор фикрди.

Мажлисда бригадалар, эвено бошлиқлари, сут соғувчилар

ҳам нутқ сўзладилар. Бригада бошлиқларидан бири колхоз ерлари ўртасидан, ченкасидан ўтган зовурлар тўғрисида, улар- дан чиқариб ташланган тупроқ эгаллаб ўтган ер ҳақида тўғри фикрни ўртага ташлади. Сув хўжалиги ҳодимлари зовурлар- ни қазиб беришлар, бу жуда яхши. Колхоз улари пул тў- лайди. Лекин зовурдан чиққан тупроқлар ўз вақтида текис- ланмаганлиги учун унмудор ерларнинг умри бекорга ўтади. Зовур тупроқларини текислаш учун колхоздаги куч етарли эмас. Бульдозер арманган за- пас қисм йўқлигидан оғайб бе- қор тўриб қолади. Шунинг учун зовур тупроқлари тезда текис- ланиб, ерга ер қўшилишида те- гишли ташкилотлар ердан бе- ришлари зарур.

Терешкова номли колхоз аъзолари 1973 йил учун ўз зиммаларига юксак мажбури- ятлар олдилар. Улар пахта ҳо- силдорлигини 35 центнерга ет- казиб, чорвачиликдаги намчи- ликларини тезда тугатиб етир- лардан қўллаб сут соғиб олиш режаларини маъқулладилар.

Техника ремонтини, сўғориш тармоқларини қўллагани эканш кампаниясига тахт қилиб қў- йиш тадбирларини белгиладилар.

Колхозчиларнинг йиллик ҳи- собот йиғилишида обла- ст партия комитетининг секретари М. К. Камолов нутқ сўзлади.

С. МАҲҚАМОВ.

Суратларда: Колхоз раиси Умриниса Ҳасанова доклад қилмоқда. Колхозчиларнинг йиллик ҳисобот мажлиси зали- да.

А. Абалин фотоси.

САМИМИЙ ТАШАККУР

Совет Социалистик Республикалари Итти- фойи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги му- нсабати билан Совет Иттифойи Коммуни- стик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министр- лар Совети Иттифойидан ва автоном респу- бликалар, ўлкалар, областлар, миллий округ- лар, шаҳар ва районлардан, корхоналар, ку- рилишлар, колхозлар, совхозлар ва муассаса- лар коллективларидан, Совет Армияси ва флоти жангчиларидан, партия ва жамоат таш- килотларидан, совет гражданиларидан жуда кўп табриклар ва СССР юбилейи шарафига ўтказилган социалистик мусобақада эришил- ган муваффақиятлар тўғрисида меҳнат ра- портлари олди. Совет ишчилари табриклар- ни ва рапортларида ўзларининг социалистик Ватани учун ватапарварларча ғўриҳор туй- гуларини изҳор қилиб, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигини, КПСС XXIV съездининг қарорларини бажаришга, фидоко- рона меҳнат қилиб Ватанимизнинг қудратини мустақамлашга тайёр эканлигини билди- радилар.

Социалистик мамлакатлардаги қардошлари- миз ва умумий ишдаги сафдошларимиз СССР меҳнаткашларини самимий кутладилар. Ком- мунистик ва ишчи партиялардан, миллий-де- мократик, сўл социалистик партиялардан, халқаро демократик ҳаракат ва ташкилотлар- дан, турли мамлакатларнинг ҳукуматлари, давлат ва жамоат арбоблари ҳамда граждани- лардан табринома-лини. Табринома ва кутловларда Совет Иттифойининг ўтган 50 йил мобайнида эришган муваффақиятларига юксак баҳо берилди ва мамлакатимизга ҳам- да совет ҳалқига эзгу истаклар изҳор қилина- ди.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

Чет эллардаги дўстларимиз социализминг биринчи мамлакатни билан астойдил бирдам эканлигини билдирадилар. Бу мамлакат озод халқларнинг ҳуқуқий тенглиги, дўстлиги ва қардошлиги ленинча ғойлари асосида мил- лий масалани ҳал этишда бутун дунёга наму- на бўлди. Улар Совет давлатини тинчлик ва халқаро ҳавфсизлик учун изчил курашчи, халқларнинг озодлиги ва мустақиллигини са- бот-матонат билан ҳимоя қилувчи, барча та- раққийпарвар антиимпериалистик кушларнинг бирлиги ва ялпизлиги учун оғиншай курашчи давлат деб билдиладилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Со- ветини умумхалқ байрами шарафига йўллаган табринома-лини ва бажарган яхши ишлари учун барча меҳнаткашларга, партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар, колхоз- лар, совхозлар ва муассасаларнинг коллек- тивларига, Совет Армияси ва флоти жангчи- ларига самимий ташаккур изҳор қилдиладилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Со- ветини йўллаган табрикларини ва совет халқига, кўп миллатли давлатимиз — Совет Социалис- тик Республикалари Иттифойига, Совет, Итти- фойи Коммунистик партиясига эзгу истак- ларини изҳор қилганликлари учун коммунис- тик ва ишчи партияларга, миллий-демократ- ик ва сўл социалистик партияларга, халқаро демократик ҳаракат ва ташкилотларга, ҳуку- матларга, давлат ва жамоат арбобларига, чет эллардаги барча дўстларимизга самимий та- шаккур билдирадилар.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ СССР МИНИСТРЛАР
ПРЕЗИДИУМИ СОВЕТИ

НУРЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Тошкент ГРЭСининг нурчи- лари СССРнинг олтин туйи ни- шонланган йилга баракали иш- ладилар. Давлат планларини муддатидан аввал ошириб ба- жариб, катта ютуқларга эриш- дилар.

Нур корхонаси Ўрта Осиё бирлашган энергия системасига қўшилиши билан ГРЭСчилар зиммасига янада масъулиятли вазифалар юклатилди. Коллек- тив ана шу вазифаларини бажариш учун беш йилликнинг ҳал қилувчи йили бўлган 1973 йил- нинг дастлабки кунидан бош- лаб астойдил ишламоқда. Ҳо- зирги вақтда корхонада ҳар сутна давомида 25-30 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинмоқда. Бу ердаги

ишлар қатъий диспетчерлик графикни асосида ташкил этил- ган. ГРЭС тўла қувват билан ишлаб бoшлаган ўтган бир йил ичида ана шу график бирор марта ҳам бузилгани йўқ.

Мазкур ютуқларда цехлар ва бригадалар ўртасида уюшти- рилган социалистик мусобақа- нинг роли катта. Нурхонада мусобақа якунлари мунтазам равишда қараб чиқилади. Кей- инги вақтда олти бригаданим коммунистик меҳнат бригадаси деган ном берилди. Эндиликда бундай бригадалар сон 20 га етди. Алинаса, Герман Валь- тер бошлиқ турбиналарни ре- монти қилиш бригадаси, Виктор Разживин бошлиқ электрчилар бригадаси, А. Абдулҳақов

бошлиқ смена электорлари бу шарафли номни оқлашга ҳара- кат қилиб, нурхонанинг ҳам- ша нормал ишлаб туршини таъминлашда катта ҳисса қўш- моқдалар.

Нурхона ўтган юбилей йили давомида 82 миллион киловатт-соат электр қуввати иш- лаб чиқарди. Бу йилги кўрсат- қичлар бундан ҳам юқори бў- лади.

А. ФОЗИЛОВ,
«Коммунизм тоғи» газе- тасининг ўқимчи.

„ЛУНОХОД-2“: БИР СЕАНС ДАВОМИДА 1148 МЕТР

Олис космос алоқа маркази, 20 январь. (ТАСС). 19 январь Москва вақти билан соат 20 да Совет автомат аппарати «Лу- ноход-2» билан навабдаги ра- дио ва телевизион алоқа сеанси бошланди.

Олти соатдан мўлроқ давом этган шу сеанс чоғида Ой юза- сидаги кўнма илмий лаборатори- ни ишта тушганидан бери би- ринчи марта луноход мулкча- лаб қўйилган маршрут бўйича шарқ-жанубий томонга ҳара- кат қилдирилди.

Сеанс чоғида ўзюмар аппа- рат 1148 метр йўл босди, қў- ндирувчи босқичдан «Луноход» 1050 метр узоқлашди.

Луноходни ҳаракат қилди- риш сеанси давом этган узоқ вақт ичида ундаги системалар- нинг юриши ва ишлатиш қай ҳолатда эканлиги текшириб қў- рилди.

Бутун трасса давомида Лу- ноход қилдирилганлиги Ой за- ми- нин билан бир-бирига тасир ўтганини параметрлари, қайд қилиб борилади, шунингдек Лу- ноход юришининг қай даржада эканлигини билдириб туру- вади асос вақти-вақти билан иш- та солиниб турилади.

Ўзюмар аппарат бортидан туриб Ой ландшафтини акс эттирувчи янги манзаралар қа- бул қилиб олинди. Бу сурат- ларда тоғлар яхши кўриниб ту- рибади. Ой юзасининг деталлари ва ўзюмар аппарат юриб ўтга- нидан кейин қолган излар яқ- қол кўзга ташланиб турибди.

Телеметрик информация маълумотларига қараганда Лу- ноход системаларининг ҳамма- си нормал ишлаб турибди.

Совет ўзюмар аппарати «Лу- ноход-2» Ойни ва космос фа- зосини тадқиқ қилиш программа- сини бажариш давом эттири- моқда.

МАРКАЗ-6 ГЎЗАЛЛАШМОҚДА

Пойтахтимизнинг «Марказ-6» квартални тобора гўзаллашиб, замонавий бинолар билан бойиб бормоқда.

Шу қуиларда кўп қаватли, турар-жой бинолари қурилиши жadal суръатлар билан олиб бормоқда.

Бу биноларни қуришда бай- роқдор 159-трестнинг қурилиш бошқармалари, 1-ўйсозлик ком- бинати, пардозлаш трестининг 11-қурилиш бошқармаси сай- қалчилари катта ҳисса қўша- ятилар.

Шу қуиларда 22-қурилиш бошқармаси азаматлари 1-май байрамига 56 квартиралар би- ноини қуздан чиқариш учун меҳ- нат қилмоқдалар.

— А. Миткин, Х. Юнусов, А. Юртаев, Р. Одилов каби илгор бинокорлар ўз ҳамкаб- ларини орасида ўрнат бўлимоқ- далар, — дейди проаб В. Рож- ков.

С. СУЛТОНОВ.



БЕКОВОД БЕШЙИЛЛИКДА



— Ватаига кўп металл етказиб берамиз, — прокат-цехи илгорлари ана шундай шнор остида меҳнат қилишпти.

А. Тўраев фотолари.

ГУЛЛАЁТГАН ШАҲАР

Бир вақтлар битта маҳит, бир неча юз пасткам уйи бўлган қишлоқ ўрнида ҳозир замонавий, гузал шаҳар қад кўтарган. Шаҳарда халқ маорифи, маданий-маиший муассасалар тармоқи йил сайин кенгайиб бораётган. Мавжуд 16 та мактабда 11 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Индустриаль техникуми, медицина ҳамда музика билим юрталарида талабалар илм чўққилари сари дадил интилоқдалар.

Юбилей йилида умумий таълим мактаблари, боғча ва яслилар сон ортди. 17 ҳамда 11-микрорайонларда янгидан иш бошлаган минг ўринли мактабда ҳаётимиз чечакларининг шўҳ ўйин-кутилари янграмоқда. 4 мингта яқин ўғил-қиз эса меҳрибон, ширинсўз тарбиячилар қўл остида яраб-йишаб ўсмоқда.

Тўққизинчи беш йиллик мобайнида биз яна 2527 ўринли болалар муассасаларини ишга туширишимиз лозим бўлса, — дейди шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. Аббосов, — ҳозиргача минг ўришга яқин боғча ва яслилар қурилиб, кичкинтойларга соғва қилинди. Жумладан, цемент комбинати ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун 280 ўринли, янги заводи маъмурияти 140 ўринли, шаҳар маориф бўлими эса 280 ўринли боғча ва яслилари қуриб берди.


Қаҳоналардир билим ва маърифатдан йироқ бўлган, биронта шифохонага эга бўлмаган Бекобод тарихан қисқа давр ичида қолоқликдан юксалишқа сарфлади. Эндилкида 600 дан ортиқ малакали ўқитувчилар ўсиб келаётган ёш авлодга ҳар томонлама пухта билим беришмоқда, олий маълумотли 110 врач ҳамда 700 дан ортиқ ҳашира кишилар саломатлиги йўлида кета-қулдуз қайғурмоқда.

Шаҳар аҳолисига коммунал хизматни кўрсатиш яхшиланган бўлмоқда. Фақат кейинги вақтда Бекободда «Лола», «Баҳор», «Ҳада» «Новинка» деб номланган маиший хизмат кўрсатиш уйлари фойдаланишга топширилди. Савдо ва умумий овқатланиш тармоқлари ҳам кенгайиб бораётган. Бу ҳақда шаҳар савдо бўлими бошлиғи ўртоқ К. Жааборов шундай дейди:

— Шаҳримизда 92 савдо тоқаси мавжуд бўлиб, аҳоли зарур озин-овқат, уй-бўғор, кенг истеъмол маҳсулотлари билан муттасил таъминлаб турилибди. Беш йилликнинг иккинчи мобайнида яна бир неча магазин қурилиб, харидорларга хизмат кўрсатмоқда. Тўрттинчи квартал ичида савдо ҳолима-рини мўлжаллагидан 350 минг сўмдан ортиқ турли хил маҳсулотлар билан савдо қилди.

Меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам яхшиланган бораётган. Фақат 1972 йилнинг ўзида шаҳарда беш йилликнинг дастлабки йилига нисбатан 1,5 баравар кўп турар-жойга эга бўлишди. Қурилиш ташкилотлари аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини тагин ҳам тўлароқ қондириш мақсадида қурилиш ишларини жадаллаштирмоқда.

КПСС XXIV съезди Директиваларида Ўзбекистон Металлургия заводи реконструкция қилинади дейилган. Натижада пўлат ишлаб чиқариш анча қўлайди. Йилига 20 минг тонна сирланган идиш ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган эмаль цехи қурилиши бу йил тамомланиб, у маҳсулот ишлаб чиқаради.



Республикамизга машхур металл заводи ана шундай салобатли.

лари реконструкция қилинади, шаҳар телефон станцияси ва монтаж станцияси кенгайтирилиб, абонентлар сон 4000 номерга етказилди. ГТС на монтаж станцияси янги бинога кўчирилди.

Шаҳарда маориф шохобчалари, мактабга болалар муассасалари, маданий-маиший пунктлари қурилиши тагин ҳам қўйилди. Мактаблар сон бир ярим баравар ошди. Жумладан, шаҳарнинг кўрн хисобланмиш 11-микрорайонда икки та, 64 ва 65-кварталларда 2000 ўринли мактаблар, 280 ўринли болалар комбинати, металлургия поселкасида эса 4 та 280 ўринли болалар боғчаси бунёд этилади.

Тарихан қисқа вақт ичида қўл бағрида ташландиқ ва қашшоқ хисобланган қишлоқ ўрнида халқ ҳўжалиги ва саноати барқ уриб ривожланиётган гузал, замонавий социалистик шаҳар пайдо бўлди. Бу шаҳар корхоналарида қўлланилаётган илгор иш меҳнатлари эндиликда мамлакатимиз ош хатто чет елларда ҳам эў қўнғини уйғотмоқда. Ўзбекистон металлургия заводида Германия Демократик Республикаси, Эрон, ГФР, Япониядан бир неча мутахассис келиб муттасил пўлат қўйиш мосламаси билан танишиб, унинг ишни ўрганиб қайтдилар. Япония эса УНРС аппарати лицензиясини, «Демаг» фирмаси эса импульслий қўнғич машинаси лицензиясини сотиб олди.

Сўзи билан иши бир, аҳдига вафодор бекободликлар партияимиз XXIV съезди қарорларини оғшимай ҳаётга таъбиқ этиб, ана шундай меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқдалар.

ИСТИҚБОЛ САРИ

Бекободликлар тўққизинчи бешйилликнинг ҳал қилувчи йилида зиммаларига тагин ҳам юксак, шарафли социалистик мажбуриятлар қабул қилишган. КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини оғшимай амалга ошириш, халқ фаровонлигини янада юксалтириш, қўшмача объектлар қурилишини тезлаштириш, янги-янги корхоналар барпо этиш барчаини шон-шараф ишига айланди.

Бундай улғувор ваэифаларни бекам-кўст урдалаш аввало кишиларга, уларнинг шижоатли меҳнатларига боғлиқдир. Шу бонсдан шаҳардаги мавжуд барча саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари ва бошқа муассаса коллективлари ўз зиммаларига оширилган мажбурият қабул қилди. Чунончи, бекободликлар маҳсулот реализациясини йиллик топширигини мудатидан олдин, яъни 26 декабрда урдалашга, давлат томонидан белгилан кўйилган планга қўшимча равишда 2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишди.

Айниқса, шаҳар фахри хисобланмиш Ўзбекистон металл заводи ишчи-хизматчиларининг режаларини ушан. Шонли металлургия бу йил мўлжаллагидан 2550 тонна кўп пўлат, 4500 тонна кўп прокат ишлаб чиқаришга азму қарор қилишди. Ленин декрети асосида бунёд этилган цемент комбинати коллективини эса ўз имкониятларини, ички резерваларини қайта қўриб чиқиб бешйилликнинг хал қилувчи йилида қурилиш ташкилотлари ва корхоналарига планга қўшимча равишда 7 минг тонна ортиқ цемент, 500 минг тонна шартли шифер, 20 километр шартли асбест қуварлари етказиб берди.

Ғиш заводи меҳнаткашлари ўз зиммаларига 500 минг дона ғишт, мингларга кубометр бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мажбуриятини олишди.

Капитал қурилиш бўйича мўлжалланган режалар ҳам диққатга сазовар. Қўли гул қувчилар бу йил пудрат ишлари йиллик топширигини 28 декабрда бажардилар, турар-жойлари фойдаланишга топшириш планга 15 леабора урдаланиб, 24 минг квадрат метр уй-жой калити меҳнаткашлар қўлига топширилди. Қурилиш трести коллективини эса йиллик 20 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган эмаль цехи қурилишини мудатидан олти ой илгари тутатишга қарор қилди.

Қўрилиб турибдики, бекободликлар ўз зиммаларига юксак, шарафли, ленин маъсулиятли мажбурият қабул қилишган. Ўйлаймикин, иши билан сўзи бир, аҳдига вафодор социалистик Бекобод ишчилари, қурувчилари, инженер-техник ходимлари, мутахассислари, барча меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди белгилан берган бу улғувор ваэифаларини тўла-тўқис урдаласдан чиқардилар.

Я. САЛИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
маҳсус муҳбири.

Доҳий даҳоси билан

БЕКОВОД! Бу шаҳариним билмайди, дейсиз. Бекобод деганимизда кўна буй чўзган осмонлар муҳташам бинолар, республикамиз саноатининг фахри бўлими металлургия заводи, цемент комбинати, сулим Сир бўйида ястаниб ётган бог-роғлар, гузал, хўшманзара хибоналар-у, радон кўчалар кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Мана табият ўз пардасини аста йиғиштирди-у, нақирон шаҳар «мана мен» дегандек бутун борлиги, файли, таровати билан ўз қиёфасини гавдаландирди. Ҳа, шаҳар кейинги йилларда табиб бўлмас даражада ўзгариб, нешайиб кетди.

Ж ўшқин Сирдарёнинг ўрта оқими ўтган жойда бунёд этилган бу шаҳар ўрнида бир нақиллар учта харвон йўли кесилган бўлиб, олис-олисларга йўлга чиққан туа карвонларининг жангур-жуғирини тинмасди. «Шарққа қараб юрсанг жаннат шаҳар — Фарғона водийсидан чиқсан, Фарғона водийсинг тушса — чўл бағрини кесиб ўтган йўл Зарафшон водийсига, қадимий Хоразмга етказилди. Сўнгги йўл — Тошкент воҳатига олиб боради».

Бу эртан эмас, ҳақиқат. Сирдарё бўйида жойлашган қишлоқ узоқ ўтмишда анча ривож топган эди. Маҳаллий аҳоли деҳқончили билан шугулланган.

Шаҳарлик кўпгина отахонлар фикрига кўра, Бекобод тарихи куйидагича шарҳланади: Қишлоқ деҳқонлари экинзорларини сугоришда Оқ булоқ, Оқ сув, Бўз ариқлардан фойдаланиб келишган. Аммо, Қўштегирмонда истиқомат қилувчи болалар кўпгинача сугорини шохобчаларини бўғиб, қишлоқ аҳлини тез-тез сувсиз қолдиришарди. Шуворларда кишилар ўрасида норозилик туғилган, сув учун ғалабелар кўтарилган. «Оқ пошпо» амалдорлари бундан қўриб, Хўжакегентдан бу ерни идора қилиш, аҳоли ғалабенини бостириш учун Бек юборади. Шу-шу қишлоқ ана шу киши номи билан аталган ва Бекобод бўлиб танилган.

Биринчи жаҳон уруши арафасида бу ерда дастлабки саноат корхонаси қурилиши бошланган. Бу цемент заводини барпо этиш-учун Чор ҳўкумати Данияга мурожаат этган ва шу ерда керакли ускуналар келтиришга қарор қилинган. Лекин бу орада биринчи жаҳон уруши бошланди. Болтиқ деңизи бўйлаб Даниядан келтириладиган ускуна ва жиҳозлар немис кемалари томонидан деңизга чўктирилиб юборилди. Қурилиш таққа тўхтади.

Йиллар ўтди. Улуғ Октябрь шабадаси чўллар бағрида ястаниб ётган, ташландиқ ва ярим ҳароба Бекободда ҳам эса бошланди. Меҳнаткашлар янги ҳаёт қуришга киришдилар.

Улуғ Октябрь инқилоби ғалаба қозонган, ҳокимият ишчи-деҳқонлар қўлига ўтган бўлишига қарамай, мамлакат тағи аҳволда эди. Саноат, қишлоқ ҳўжалиги, темирйўл буткул издан чиққан, оқ твардилар ҳамда чет эл интервентлари ёш Советлар ҳўкимиятининг қўлиб ташлаш учун қўтириб хуруж қилар эдилар. Вазият шундай тағи бўлишига қарамай, пролетариат доҳиси Владимир Ильич Ленин Ватанимиз эртанги кўни, порлоқ истиқбо-

ли ҳақида ўйлар, қайғурарди. У 1918 йилда Мирзачўлнинг сувсиз, қарқоқ ерларини ўзлаштириш, уни гуллаб яшнаган водийга айлантириш ҳақидаги тарихий Декретга имзо ченди. Бу ишлар учун 50 миллион сўм пул ажратилди.

Чўли ўзлаштириш, янги ерлар очиш, учун кўплаб цемент талаб этиларди. Ўрта Осиёда эса бундай корхона йўқ. Четдан келтирилса, кўплаб маблаг сарфланади. Шу ерда цемент заводи қуришга қарор қилинди ва 50 миллион сўмнинг бир миллиони завод қурилишга ажратилди.

Шундай қилиб, қишлоқда биринчи саноат корхонаси қурилиши бошлаб юборилди. Қисқа муддат ичида Москва ва мамлакатимизнинг бошқа саноати тараққий этган шаҳарларидан кўплаб мутахассислар Бекободга кела бошладилар. Бунёдкорлик ишларига ёшлар — Ленин комсомолни аъзолари бошчилик қилишди. Қарабасани, қурилиш-монтаж ишлари жадаллашиб кетди.

1926 йил 26 июнь — Бекобод тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Шу кўни цемент заводи қурилиши тугаланиб, дастлабки тонна маҳсулот берди. Шу муносабат билан кўп ишчилик митинг ўтказилди. Митингда республикамиз оқсоли Йўлдош ота Охунбобоев қисқа, сержамзун нутқ сўзлади. Сўнгра шаҳарликларни ортишган ғалаба билан нуглаб, заводга киравиришдаги қизил лентани қирқди.

Республикада цемент заводининг ишга туширилиши шаҳарда оғир саноат корхоналари қурилишини ривожинда дебача бўлди. Собиқ чор Россиясининг чекка, қолоқ, ярим феодал ўласини индустриаллаштириш, минглаб гектар янги ерларни ўзлаштириш, ҳаёт қон томирини ҳисобланган ирригация шохобчаларини қуриш. Мирзачўлда пахтачилик ва деҳқончиликни ривожлантиришда цемент заводининг роли катта бўлди.

Республика саноатининг қадиргоҳи бўлиши корхона йилдан-йилга қанот ёйиб, истиқбол сари парвоз қилипти. Эндилкида у илгич ва камқувват заводдан кудратли техника билан жиҳозланган йиллик комбинатга айланди. Ҳар йили унинг цехларида юз минг тошалаб цемент, сой-сановлар шифер, асбо-цемент қуварлар тайёрланмоқда. Комбинатда янги маҳсулот ишлаб чиқариш дастлабки йилларга нисбатан 35 бараварга яқин ортди.

Қишлоқ ўрнида шаҳарнинг пайдо бўлиши, янги-янги саноат корхоналарининг қурилиши бевосита цемент комбинати билан боғланган. Пасткам, ярим ҳароба уйлар ўрнида муҳташам, осмонлар бинолар қомат керишда комбинат маҳсулотини ҳал қилувчи роль ўйнаган. Цемент «қурилиш номи» деб аталаниш бечиз эмас-да, албатта! Бекобод цемент комбинати доироти республикамиз ва иттифоқдаги маълум бўлмаган балки чет елларда ҳам машхурдир. Янги, социалистик жамият кураётган наҳрамон Кўба халқи, дўст Афғонистон ва бошқа ҳўрнинг мамлакатларга ҳам корхона маҳсулотини етказиб берилмоқда.

Йиллар ўтиши билан саноатимиз тўғиғича туғилган шаҳарда яна бир корхона дунёга кел-

ди. Улуғ Ватан урушининг жангў жадал йилларида Ўрта Осиё қора металлургиясининг илк корхонаси — Владимир Ильич Ленин номидаги металлургия заводи қурилди. Завод қурилишда дастлабки қозоқ 1943 йилнинг январда қўқилган бўлса, корхона бир йил ўтгач, яъни 1944 йилнинг 5 мартда дастлабки тонна металл ишлаб чиқарди.

Металл заводи қурилишда кўпмиллатли иттифоқимизнинг асл фарзандлари бир ёқадан бош чиқариб иштирок этидилар. Мамлакатимиз қора металлургия марказларидан бу ерга юзлаб кадрлар, ишбилармон мутахассислар етди келдилар. Улар ўзлари тўпалган бой билим ва тажрибаларини ўзбек дўстларига сиқидиқдан ўргатдилар, янги металлургия авлодини тарбиялаб, воляга етказдилар. Ҳозир мамлакатимизга машхур пўлат қурувчилар — Социалистик Меҳнат Наҳрамонлари Ҳафиз Ғаниев, Саид Нуриддинов, Асад Ўргачевлар долгўдор пўлат эритувчи Назарқон Қаримов, Банноп Мирзаматов ва бошқалар ҳали-ҳали қасб ўргатган устозлари Штиров, Шелованов, Майшев қонилар номини чўқур хўрмат ва оҳтиром билан тилга оладилар.

Корхона эндиликда таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Эскириб қолган асбоб-ускуналар у ёқда турсин, бутун бошлиқ цехлар тўла реконструкция қилинди, янги, кудратли техника билан қуруллатилди. Натижада завод лойиҳа қуввати ошиб, меҳнат унумдорлиғи бир неча баравар кўпайди.

Мартен печларининг унумдорлиғи, улар тўйининг ҳар бир квадрат метридан олинаётган пўлат миқдори жиҳатидан завод Иттифоқимизда энг олдинги ўринлардан бирини ёғалаб турибди. Прокат стандартининг меҳнат унумдорлиғи ҳам

тобора ошиб бормоқда. Эндилкида металлургия давлат планларининг асос, балки олдинта юксак социалистик мажбуриятларини ҳам қоплайдиган даражада маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

КПСС XXIV съезди қарорларини оғишмай амалга ошираётган ҳамда СССР ташкил этилишининг олтин тўйини муносиб кутиб олган металлургия цехлари оғишмай амалга оширишди, планга қўшимча равишда халқ ҳўжалигига тўрт минг тонна металл, прокат ва бошқа маҳсулотлар етказиб бердилар.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган кўлаб — техникавий-ташкилий тадбирларнинг амалга оширилиши, корхоналарни реконструкциялаш ва янги ускуналар билан жиҳозлаш, илгор тажрибаларини ишлаб чиқаришда дадил қўлланиш, технологияни яарабдиларини тақомиллаштириш ҳамда меҳнатини илғий асосда ташкил этиш фақат айрим саноат корхоналари эмас, шаҳардаги мавжуд барча завод, фабрикалар коллективларига мамлакатимиз олтин тўйи муносабати билан олган социалистик мажбуриятларини шараф билан урдалаш имконини тўғдирди. Фақат 11 ой мобайнида корхоналар томонидан пландан ташқари 2 миллион 216 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, реализация қилинди. Ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ташархини пайсаятириш натижасида мўлжаллагидан 632 минг сўмлик ортиқча даромад олинди.

1972 йилнинг 11 ойи мобайнида меҳнат унумдорлиғи 103,1 процентини ташкил этди.

Шаҳардаги барча 19 саноат корхонаси коллективлари улғувор беш йилликнинг иккинчи йили планларини муваффақиятли адо этидилар.

Етти километр масофага чўзилган «Дальварзин» канали қурилиши тугалланмоқда. Канал қурилишда Бекободдаги ихтисослаштирилган кўча механизациялашган колониянинг пешқадам ишчиси, 2-монтаж бошқармаси бошлиғи А. Парпихўжаев (чапда) айниқса жонбозлик кўрсатмоқда. Ўнғатда су-ратда, канал қурилиши.

А. Усмонов ва А. Авазов фотолари. (ЎТАГ).



МОВИЙ КУЛЛАР ХАЗИНАСИ

Пойтахт меҳнатчиларининг ба-
лиқ маҳсулотлари билан таъмин-
лаш ишига Қалинин райо-
нидаги «Дамачи» балиқчилик хў-
жалиги коллективини ҳам муносиб
ҳисса қўшиб келмоқда.

Соҳхозимиз 1947 йилда таш-
лаш ва ботқоқлик ерда таш-
кил қилинган эди. Шу ерда юзу-
лар қазилди, қамитвор ва ботқоқ-
ликлар тозаланиб, ҳовузалар пу-
жуга келтирилди. Катта умид
билан ишлаган коллективимиз
1950 йилда биринчи марта 12
центнер балиқ етиштиришга
эришди. Бу ўша даврда ҳамир
учидан патири бўлса, ҳам, катта
ютуқ эди. Хўжалигимиз ил ўтган
сари ривожланиб, балиқчилари-
миз малакаси ошиб борди. Ҳар-
дўш республика балиқчиларидан
дўстона маслаҳатлар олиб турдик.

Шу билан бир қаторда ободон-
лаштириш, янги ерларни ўзла-
штириш, сув чиқариш ишлари ҳам
олиб борилди. 70 гектар қўриқ ер
ўзлаштирилиб, сув чиқарилди.
Шу ерда янги бог ташкил қилин-
ди. Ҳозир бог ҳосилга кириб, со-
ҳхозимизга фойда келтира бошла-
ди. Бултур шу богдан чиққан ҳо-
силдан давлатга 150 тонна мева,
200 тонна полиз маҳсулотлари со-
ғилди.

Соҳхоз ўтган беш йилликда
каттагина даромад олди. Шунинг
эвазига 40 га яқин замонавий ту-
рар-жой бинолари, 50 ўринли бо-
лалар богчаси, 200 ўринли клуб,
100 ўринли ошона, амбулатория,
ҳаммом, мағазиналар қурилди.
Қишлоғимиз кўркам ва обод бў-
либ қолди.

Соҳхозимиз балиқчиликдан то-
бора кўп фойда қўймоқда. Чунки
ҳар гектар сув сатҳидан олинган
балиқ киймати кўлайиб, балиқ
ташиқчи пилдиридан анча
камаймоқда. Масалан, 235 гектар
сув сатҳининг ҳар гектаридан

планта мувофиқ 21,2 центнердан
балиқ олинishi лозим эди. Меҳ-
натсевар балиқчиларимиз ҳар гек-
тар сув сатҳидан 23,4 центнердан
балиқ олиб республикамизда юқо-
ри кўрсаткичга эришди.

Бир центнер балиқнинг таъна-
ри план бўйича 65 сўм 20 тиғин
белгиланган, бунда эса 62 сўм 10
тиғинга туғри келди. Бир цент-

нер балиқ етиштириш учун план-
дагидан 3 сўм 10 тиғиндан кам
ҳаражат қилинди. Шу туфайли
олинган соф фойда ошиб бори-
пти. Чунки 1972 йил пландаги
90 минг ўринга 110 минг сўм соф
фойда олинди. Хўжалигимиз ҳар
йили планини ортири билан бажа-
риб келмоқда. Айниқса, юбилей
йилда яхши натижаларга эри-

шилди. 5000 центнер ўринга
5490 центнер балиқ етказиб бер-
ди. План 109,8 процент қилиб
бажарилди.

Балиқчиларимиз бу ютуқлар
билан қаноатланиб қолаётганлари
йўқ. Келгусида Иттифоқимиздаги
илгор балиқчилик хўжаликлари-
га тенглашиш учун астойдил ҳаракат
қилмоқда.



Азаматлар «Дамачи» хўжалигида балиқчиликни ривожлантиришда муносиб ҳиссаларини қўшмоқ-
далар. Суратда: (чапдан) таърибали балиқчи Тен Алексей, Худойберди Раимов, соҳхоз директори
Қ. Шарипов, илгор балиқчилар Ҳамид Анваров, А. Н. Аксенов ўртоқлар. Ж. Тўраев фотоси.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР

Тошкентдаги барча олий
ўқув юрталарининг кундузги
бўлимларида ҳозир 60 мингдан
ортиқ йигит-қиз билим олмақ-
да. Яна бир неча ўқувчи
нинг ёшлар кечки ва сирт-
қи бўлимларида ўқимокда-
лар. Олий ўқув юрталари
ўқитувчилари ва комсомол таш-
килотлари ёшларни коммуни-
стик руҳда тарбиялашда маълум
ишларни амалга оширишга
Самарали тадқиқотлар олиб бо-
раётган, жамоат ишларида ак-
тив қатнашадиган студентлар
сонини йил сайин ошиб бормоқда.
Шаҳар комсомол комитети-
нинг бўлиб ўтган пленумида
КПСС XXIV съезди қарорла-
ри, ўртоқ Л. И. Брежневнинг
студентлар Бутуниттифок съе-
тида сўзлаган нутқи ва Ўзбе-
кистон ЛКСМ Марказий Коми-

тетининг VII пленуми қарорла-
ри асосида ёшларни коммуни-
стик руҳда тарбиялаш ишини
янада яхшилаш ҳақидаги маса-
ла атрофида муҳокама қилин-
ди. Бу ҳақда шаҳар комсомол
комитетининг биринчи секретари
Б. Бекмирзаев доклад қил-
ди.
Докладчи ва сўзга чиққан
бошқа нотиқлар олий ўқув
юрталари бошланғич комсомол
ташкилотлари жанговарлигини
янада оширишга ёрдам берувчи
қатор таълиқларни ўртага таш-
лашди. Ўлар илор иш ме-
тодлари кенг омиллаштириш
билан бирга бундан буён бака-
ришлиш лозим бўлган ваифа-
рлар ўстида ҳам алоҳида тўхта-
ди. Пленум ишида шаҳар
партия комитетининг иккинчи
секретари К. П. Дудин ишти-
рок эди.

ФЕРМА ПЕШҚАДАМЛАРИ

Гулистон Қўрбонбоева фер-
мада илгор соғувчилардан би-
ри. Гулистон бу касбини танаб,
соғувчи бўлиб ишга кирганига
ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Ле-
кин ана шу қисқа муддат ичида
соғувчилик сирларини ўрганиб
олди. Ой сайин, кун сайин сут
сонида кўзончи натижаларни
кўлга киритмоқда. Айниқса
ушунинг юбилей йилида эришган
ғалабалари салмоқли бўлди.
Ўзига бир кунга 22 бош си-
ғирнинг ҳар бирдан пландаги
1700 килограмм ўринга 2100
килограммдан сут соғиб олди.
Ушунинг жами соған сутини 48
тоннага етди. Бу пешқадам со-
ғувчи туғкизининг беш йиллик
ишларини Гулистон 50 тонна
сут соғиб олишга аҳд қилган.
У шу мақсадда астойдил меҳ-
нат қилмоқда.
Фермада илгор соғувчилар-

дан яна бири Тожи Мирсоби-
тов. У ҳам ҳормай-толмай
меҳнат қилиб, кўпчиликнинг
хўматини қозониб келаяпти.
Соғувчи ўтган йили пландан
ташқари 3200 килограмм сут
соғиб олди.
Муваффақият кишига қанот
бағишлайди. Тожиқнинг бу
йилги марраси яна ҳам юксак.
Ўзига бир кунга 15 тонна
жами 45 тонна сут соғиб ол-
моқчи.
Туғкизининг беш йиллик
ишларини Гулистон 50 тонна
сут соғиб олишга аҳд қилган.
У шу мақсадда астойдил меҳ-
нат қилмоқда.
Фермада илгор соғувчилар-

Қ. ШАРИПОВ,
Қалинин районидаги «Дамачи»
соҳхозининг директори.

ЧОРВА МОЛЛАРИНИ ОҚСИЛ КАСАЛИДАН САҚЛАЙЛИК

Оқсил — юқумли, оғир ўта-
диган касалликдир. У билан
йирик ва майда шохли моллар,
қўнчалар, туялар, ёввойи қўш-
туқлар хайвонлар касалланади.
Оқсил одамларга ҳам юқини
мумкин.
Бу касаллиқнинг вирус тарқа-
ти. Вируслар музлатилган
гўшда ва гўшда бир йилдан
ангд, айлоларда ва пичан-ға-
рамларда куз-қиш ойларида
180 кун, ем ва хайвон жуялар-
да 140 кунгача, хашақда 90
кунгача, ошланган тери ва туз-
ланган гўшда 45 кунгача, кў-
мак сув ва ҳавоаларда 100 кун-
гача яшайди. Ўлар 70 градус
қайнаган сувда 30 минутдан
сўнг, сутда 85-градусда 15 ми-
нутдан сўнг дарҳол ўлади.
Шуёвчи ва формалин аралаш-
малари ҳам вирусларни тезда
зарарсизлантиради.

Оқсилни тарқатувчи асосий
манба касал хайвонлар ҳисоб-
ланади. Уларнинг сўлагиди, пе-
шобида, гўшида ва сутини ви-
рус бўлади. Шунингдек, озу-
қалар, охиқлар, ёнқилар, сув,
одамлар ийими, иш аниқма-
ли, лоубут бўлган ёни сўйилган
молларнинг зарарсизлантирил-
маган терилари, жуни, шохлари
ва тўқилари ҳам вирус эълув-
чи объектларга кириди.

Касалланганнинг дастлабки
даврида хайвонлар озу ва сув
истеъмол қилмай қўядилар.
Танасининг ҳарорати кўтарила-
ди. Танни шохли молларнинг
тиз, тангай ва лабарларнинг
ишланиқ қабатларида пуфачча-
лар пайдо бўлади, кейин ёри-
лади, уларнинг ўрнида чақа ҳо-
сил бўлади. Оғирдан ипр-ипр
қилинган сўлак оқади. Пуфачча-
лар тўқилар оралиғида ҳам пай-
до бўлиши мумкин.

Ўқшларда эса тумшуги-
нинг япалоқ қисмида, олдинги
ва орқа оёқларнинг пастки бў-
ғимларида пуфаччалар қўри-
нади. Қўйлар, эчкилар эса ту-
бдан оралиғида жароҳат
асбоблар оқсқиланиб қолади.

Оқсилга қарши курашда
асосий эътибор — касаллиқни
ўз вақтида анқиллаш, касал
хайвонларни алоҳида қилиб
ақратишга, қатъий муҳофиза-
каратини тадбирларини ташкил
этишга ва барча ветеринария-
санитария талабларини амалга
оширишга қаратиш лозим.
Соғлом хайвонларни муваф-
фақиятли асраш учун улар бош-
қалардан ақратиб қўйилиши
шарт. Хўжаликни юрости жоилар
диатизефекцион ниситлардан
бўлган стацонар диатизефекцион
тусилар ташкил этилиши ке-
раки. Молхоналар ва ферма тер-
риторияларининг тоза сақла-
ниши ва доимий профилактик
тадбирларининг ўтказиш тури-

лиши касаллиқнинг кенг тар-
қалишга йўл қўймайди.
Гўшлар факат белгиланган
бир жойга тўпланиши хайвон-
лар кундалик текширувдан ўт-
казиб турилиши мақсадга му-
вофиқдир. Касалликка мойил
хайвонлар оқсилга қарши ва-
кцинация қилиниши керак. Ян-
ги келтирилган хайвонлар эса
бир ойлик наравтиндан ўткази-
лади.

Фермага бегона — транспорт-
нинг кириши тақиқланади. Хо-
димлар фермага алоҳида са-
нитария пунктидан махсус
кийимлар — резина этиклар-
да, халат ва қалпоқчаларда ки-
ришлари таъсир этилади.

Агар район ёни област тер-
риториясида оқсил тарқатган
бўлса, ветеринария-санитария
талабларига, айниқса, қатъий
риоя қилмоқ керак.

Оқсилнинг бирон-бир белги-
ни пайқалган замонав раён
бош ветврачини бундан дар-
ҳол бохабар қилмоқ лозим.
Касал хайвон соғомларидан
тезда ақратилиши ва касаллан-
ган жойининг ўзлаз сақланиши
талаб этилади. Хайвондан зуд-
лик билан текшириш учун ма-

БИЗНИНГ КОНСУЛЬТАЦИЯ

тернал олиниб, вирусни аниқ-
лаш мақсадида ветеринария-
лабораторияга юборилади. Со-
лом хайвонлар зарур тилдаги
вакцина билан эмланади. Бу-
оқлар, чўча болалари, қўй-
лар ва узоқларга касалликдан
тузалган хайвонлар қони қўйи-
лади. Назорат қўйайтирилади.

Касал борлиги аниқланган-
да, ўша жой тезда ўраб қўйилади,
пароформалин камераси: жуна-
тиш базиси, санитария пункти
ташқил қилиниб, миллионли
тўқилар-каратин пости қўйи-
лади. Кийимлар, пойфазалар
пароформалин камерасида зарар-
сизлантирилади, у жойдан чи-
қишга рухсат берилди. Касал-
лик бор жойга 3-4 кишилар
қўйилмайди. Фақат доимий
кўндалан ва диатизефекция те-
хникаси бўлган ўша ерда иш ку-
ради. Сут ва сўт маҳсулотлари
эса 85-градусда 30 минут иш-
тирилиб, ёни 5 минут қайнатилиб
фойдаланилади. Ёни бўлма-
са қайта ишланиб, ёниқ мўлга
айлантирилади. Махсус кийим-
лар — этиклар, халатлар, ком-
бузонлар, қалпоқчалар, тумо-
чалар каратини мўддатли рўза-
магуча территориядан олиб
чиқилмайди. Касал хайвонлар
хонаси кунда диатизефекция қи-
либ турилади. Ўғин ботермик
усул билан махсус жойларда
зарарсизлантирилади.

Касалланган хайвонларни за-
волаш пайтида уларнинг оғиз
бўшқлиқлари трипофавининг
0,2 процентли сувли аралаш-
маси, мис купоросининг бир
процентли аралашмаси, марга-
нец кислотасининг 0,1 про-
центли аралашмаси, дубиллий
кислотасининг 0,5 процентли ёни
уқусу кислотасининг 2 процент-
ли аралашмаси билан ювила-
ди. Жароҳатланган бошқа жой-
лар бўр кислотасининг икки-
учу процентли аралашмаси би-
лан ишланади ва трипофавин
новонинг, стрептоцид, пеницил-
лин, салцил малдамлари су-
рилади. Оёқлар учун эса 10
процент формалин қўшилган
креолин ванналари қилиш яхши
натижа беради. Шунингдек, на-
роҳатланган жойларга 1:1 миқ-
дорда дегти билан балиқ мойи
суртиш мумкин. Хайвонларни
оқсилдангиришда турли концент-
рат, идиамеали озуқалар ва
силослардан иборат атала қилиб
бериш, янқ сув ичириш таъсир
этилади.

Молхоналар эса ҳидли натри-
нинг икки процентли илқ
аралашмаси, бир процентли
формалин аралашмаси, ёни ка-
устик содални учу процентли
или аралашма билан диатизе-
фекция қилинади. Кунда бир
март, энг охирида бир соат
оралатиб икки марта диатизе-
фекцияланади. Қишда ҳидли
натра ёни каустик содални ара-
лашмага 15 процент ош тузи
аралаштирилади. Иш аниқма-
ли ва жихозлар икки процент-
ли ҳидли натра аралашмасига
бир соат бўғириб қўйилади.
Махсус кийимлар, арқонлар,
жуни, пахтали ва брезентли
нарсалар пароформалин каме-
расида зарарсизлантирилади
ёни 30 минут қайнатилди.
Қўйлар эса 0,5 процентли хло-
рамин аралашмаси билан юви-
лади.

Каратин бекор қилинган,
молхоналар, ферма территория-
лари ва асбоб-аниқмалар тоза-
лади ва диатизефекцияланади.
Қолдиқ озуқалар шу жойда
ёндириб юборилади. Хайвонлар
эса кўздан кечирилади, тўқ-
илар тозаланади, сўнгра бир
процентли формалин, 3 про-
центли хлорамин, 3 процентли
гипохлорид хлорий ёни 3 про-
центли бир хлорий йод аралаш-
маси билан ювилади. Хоналар
нинг деворлари янги ўдирил-
ган оҳақ билан оқланади.

Юқорида таъсия этилган тад-
бирлар муваффақиятли амалга
оширилган тақдирда оқсил
касаллигининг олдини олиш ва
хайвонларни соғлом сақлаб қо-
лиш мумкин.

М. ХОШИМОВ,
Тошкент област бош дав-
лат ветеринар инспектори.

Дунё харитаси олдида

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАЙРУТ (ТАСС). Исроил
ҳарбийлари Ливанга қарши и-
ғвогарлик ҳаракатларининг давом
этирмоқдалар. Исроил само-
дэтлари пайшанба кунин Ливан-
нинг Арқуб райони устида
разведка мақсадида бир неча
март парвоз қилди. Сўнги уч
кун ичида, деб хабар беради
«Ал-лива» газетаси, Ливан-Ис-
роил чегарасида Исроил қўшин-
ларининг бир жойдан иккинчи
жойга кўчиши аниқланганлиги
кузатишмоқда, кўшимча ҳарбий
нисмалар ва ҳарбий техника кел-
тирилмоқда.



Мана йигирма йилдирки, Ан-
глия парламентида кексаларга

пенсия бериш масаласи муаммо
бўлиб келмоқда. Суратда: пен-
сия талаб қилган лондонлик
аёл намоиш пайтида. Бу аёл-
нинг арз-додини консерватив
ҳукумат тинглармикин?..

ТАСС фотохроникаси.

АМИЛКАР КАБРАЛ ЎВУЗЛАРЧА ЎЛДИРИЛДИ

ДАКАР, 22 январь. (ТАСС).
Гвинея ва Яшил Буру оролла-
ри мустақиллиги африкаликлар
партиясининг бош секретари
Амилкар Кабрал шаба кунин
кечаси Нанакидаги ўз резе-
денцияси олдида ўлдирилган.
Гвинея республикаси президен-
ти Секу Туре неча ва ҳақда ра-
дио орқали хабар бериб, Порту-
галия мустамлакачилари елла-
ган қотиллар Кабрални мана
шундай ёвузлик билан ўлдири-
ганликларини айтди. Ўлдириш-
да бевосита қатнашганлар қа-
моққа олинди.

БИРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

ПРАГА, (ТАСС). ЧКП Мар-
казий Комитетининг органи
«Руде Право» газетаси соци-
алистик давлатлар ташқи ишлар
министрларининг Москвада бў-
либ ўтган кенгаши муносабати
билан булай деб ёзди: соци-
алистик мамлакатларнинг ўзаро
келишган ташқи сиёсий фао-
лияти кеинги йилларда жаҳон-
да воқеаларнинг ривожига ҳал
қилувчи таъсир ўтказди. Умум-
европа кенгаши сингари ҳақ
муҳим воқеалар арафасида бир-
галликда ҳаракат қилиш аниқ-
са зарурдир. Умумевропа ке-
наши ташқи сиёсий ривожла-
нишини бир неча йил олдинга
белгилаб бериши мумкин.

Социалистик ҳамадўстлик
мамлакатлари ўзининг келишиб
олган ташқи сиёсатини синфий
принципларга кўрмоқда, деб таъ-
кидлайди «Руде Право» газе-
таси. Социалистик мамлакатлар
ташқи сиёсатининг ўзаро ке-
лишиб олиб борилиши ҳозирги

БОМБАРДИМОН ҚЎРБОНЛАРИГА ЁРДАМ

НЬЮ-ЙОРК (ТАСС). Уруш-
га қарши «Хинд-Хитойга» ме-
дицина ёрдами кўрсатиш коми-
тетини ташкилотининг қақир-
тига биоан АҚШда Америка
бомбардимонлари ВДРнинг вай-
рон қилган граждн объектла-
рини тилаш учун маблаг тўп-
лаш кампанияси авж олдирил-
моқда.

Американин таниқли артист-
лари, драматургари, ёзувчилар-
идан 200 нафардан ошми ки-
ши АҚШдаги барча санъат ва
маданият арбобларига мурожа-
ат қилиб, Америка бомбалари
билан Ханойда вайрон қилин-
ган Вьетнам касалхонасини тик-
лаш фондида ўзларининг бир
қуллик иш ҳақларини иона қи-
лшга даъват этди. Нью-Йорк-
да бўлган маъбуот конференция-
сида таниқли қўшқинчи Жуди
Коллинс, театр режиссери Жо-
зеф Попп ва Нью-Йорк епар-
хиясининг епископи Поль Мур
санъат ва маданият арбоблари
ноҳидан нутқ сўзлашди. «Биз
яқинда Ханой ва Хайфондаги
граждн объектлар вахшиёна
бомбардимон қилинганлигидан
ларзлага келдик, — деди Мур. —
Биз Батъмай касалхонасини
тиклашга берадиган озгина ёр-
дамимиз қаҳрамон Вьетнам

ҳалқига хайрихоҳлигимизнинг
ифодаси бўлишини истаймиз».

Бродвейдаги ВДРга театр-
нинг актёрлари 20 январь ша-
ба томошасидан олдинги иш
ҳақларини Ханой касалхонаси-
ни тиклаш фондида топириши-
га қарор қилганликлари маъбу-
от конференциясида эълон эти-
ди. Нью-Йоркдаги яна 15 театр-
нинг актёрлари ВДРга ёрдам
учун қўшимча маблаг тўлайди-
лар.

Нью-Йоркнинг бешта расмлар
галереяси ва Нью-Йоркда 20 на-
фаргача расм 20 январь кунин
сотиладиган расмлардан ту-
шадиган пулни Америка бомба-
лари ВДРда вайрон қилган
граждн объектларини тиклаш
фондида топирилади.

Маълумки, Америка авиация-
си декабрь ойида ВДРга қарши
вахшиёна ҳаво урушнни қўйай-
тирган бир пайтда Ханой, Хай-
фон ва бошқа шаҳарларнинг
аҳоли зич яшайдиган навал-
ларини қаттиқ бомбардимон
қилган эди. Уй-жой бинолари,
мактаблар, касалхоналарга на-
та шикаст етказилди. Ханойдаги
Батъмай касалхонаси айниқса
қаттиқ шикастланди. Бомбар-
димонлар натижасида касаллар
ва медицина ходимларидан анча
киши ўлди ва ярадор бўлди.

БРУКЛИН КЎЧАЛАРИДА ОТИШМАЛАР

НЬЮ-ЙОРК, 22 январь
(ТАСС). Нью-Йорк полицияси
Бруклиндаги спорт моллари
магазинини ҳали ҳам ўраб ту-
рибди. Тўрт номалум киши
шу магазин ичига кириб унинг
эчкиларини ниндан маҳкам
беритиб олди. Ўлар шаба
кунга ўтар кечаси таловчилик
мақсадида магазинга ҳужум
қилганликлари хабар бериб
ўтилган эди. Тревога сигнални
эшитиб бу ерга етиб келган по-
лициячилар икки қаватли мага-
зини биносини қураб олганла-
ридан кейин босқинчилар ҳа-
дор ва соғувчилардан бир неча
кишини таров тариқасида уш-
лаб туриб ўт оча бошлади.
Полициячилардан бири ўди-
рилди.

Магазин биносидан сал на-
рироқда бронетранспортер на-
батчилик қилиб турибди. Мага-
зин районини полициячилар
қураб олган, транспорт қат-
нови тўхтаёт қўйилди. Шу ма-
газин кишиндан ўтидиган ер у-
сти метро йўлида қатнов тўхта-
тиб қўйилди.

Ўқ ўтмайдиган кийимлар
кийиб олган полициячилар бос-
қинчиларни таслим қилдиришга
уриниб кўрган бўлсалар ҳам,
лекин бундан ҳозирча натижа
чиққан йўқ. Магазинни босиб
олган босқинчилар биз ҳеч нми
билан таллашмаймиз, деб музо-
караш олиб боришдан бош
тортидлар, агар магазин бино-
сини зўрлик билан олишга
уринсаларингиз таров қилиб
ушлаб турган кишиларни ўлди-
рамыз, дейишди.

Отишма вақтида босқинчи-
лардан бири қаттиқ яраланди.
Босқинчиларнинг илтимосига
биоан врачнинг магазин био-
синга киришга рухсат бериш-
ди. Врач жароҳатланган ки-
шини ярасини боғлаб қўйди.
Доктор магазиндан чиққандан
кейин муҳбирларнинг саволла-
рига жавобан босқинчилар «Ў-
лари босиб олган магазинда
қулгаб ёни ҳафталаб турмоқчи-
лар» деди.

ЧИЛИ ёшлари мам-
лакатда янги ҳаёт қу-
рилишда фаол ишти-
рок этмоқдалар. Минг-
лаб шаҳарликлар иш-
дан сўнг ва ўқидан
бўш пайтларида қиш-
лоққа чириб, дехқон-
ларга кўмаклашмоқда-
лар. Суратда: чилилик
ёшлардан бир гуруҳи
Пуэрте-Альто яқини-
даги «Пабло Неруда»
хўжалигига қараб йўл
олмоқдалар.

АДН-ТАСС фотоси.

АГИТБРИГАДА ЧОРВАДОРЛАР ХУЗУРИДА

Маълумки, Қалинин ва Ян-
гийўл районларининг айрим хў-
жаликлари Келес массивини яй-
ловларда жойлашган. Булар
Оқубобоев ва Жамбул номли
қўшқинчи соҳхозларни бўлиб,
уларнинг азамат меҳнатчилари
1973 йилда ҳам янги ютуқ-
ларни кўлга киритиш учун ку-
раш бошлаб юбордилар. Чўно-
лар шу кунларда қишлоқни со-
з ўтказиш, қўйларни қишдан се-
миз олиб чиқиш учун кураш
бошлаб юбордилар.

Узоқ Келес массивда чорва-
дорлар маданий хизмат кўр-
сатиш юзасидан конкрет тад-
бирлар амалга оширилмоқда.
Яқинда област партия комите-
ти пропаганда ва агитация бў-
лими ҳамда област маданият
бошқармасининг махсус агит-
бригадаси Келес массивдаги
хўжаликларда маданий-маиший
хизмат кўрсатиш учун жўнаб
кетди. Агитбригада составида
Қалинин ва Оққўрғон райони-
даги маданият уйининг ҳавас-
корлари бор.

Янгийўл райони маълумот
жамиятига қарашли кўма са-
видо дўқони, Қалинин районининг
мединна ходимлари, кўма ки-
ноустановка ва лекторлар ҳам
чорвадорларга хизмат кўрсата-
дилар. Агитбригада чорвадор-
лар хузурида бир неча кун бў-
либ, уларга концертлар қўйиб
беради, бадиий фильмлар на-
моиш қилинади. Мединна ва
саядо хизмати кўрсатиш юзаси-
дан ҳам зарур тадбирлар қўри-
лади.

ВУТУНИТТИФҚ
КЎРГАЗМАСИДА

СССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида — тўнқинчи беш йиллик унинг йилининг киш фасли. Қўр кўргазма шахарчаси ҳибоб ва майдонларини ошқо либосга бурлаган. «Колос», «Халқлар дўстлиги» ва «Тоғул» фонларлари баҳорча тўхатиб кўйилган. Ленин кўргазма павильонлари ҳар катонгидек одамлар билан тавжум.

Тошкент ва Тошкент области коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Мана шу ҳисса кўргазмага кўйилган экспозицияларда акс этган. «Тошкент» тамғали экспонатларини «Машинасозлик», «Металлургия», «Химия саноати» ва бошқа павильонларда кўриш мумкин. Айниқса, «Урмон ҳўжалиги» павильонидида экспонатлар диққатга сазовор. Бу ерда Чирчиқ урмон ҳўжалиги, ҳамда Бўрчмулла урмон ҳўжалигининг материаллари кўпчилик мутахассислар ва томошабинларнинг диққатини ўзига жалб этмоқда. Бу икки ҳўжаликда тақриб сифатида етиштирилаётган турли-туман мева-лар ҳам ҳар томонлама эътиборга лойиқ.

М. ЛАРЬКИН,
Москва.

МАЛАКА УЧОРИ

Коммунизм фани деб ном олган Кибернетика турли итхосликларини ўрганишда жуда кўл келмоқда. Шунинг учун ҳам олий ўқув юртиларида бу фан билан боғлиқ назарий ва амалий машғулотларга катта аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини Кибернетика институтига лабораторияларни эндиликда бўлажак мутахассисларнинг тақриб ўтказиш жойига айлантирди. Ленин номи Тошкент давлат университети, Тошкент политехника, халқ ҳўжалиги институтлари студентлари ҳам шу илмий муассасада ишлаб чиқариш ва диплом оиди машғулотларини олиб борадилар.

Бу йил жами 300 га яқин студент кибернетик олимлар бой тақрибларига ва фойдаланмастхалларидан баҳраманд бўлади.

ҲУРМАТЛИ ОНАХОН

Калинин районидида «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхозининг Ленин участкасида Шаҳрибуви Бойбуваева истиқомат қилади. Бу табаррук онахон ҳозир бир асрдан ортиқ умр кўрди. Шаҳрибувининг 33 невараси, 70 дан ортиқ эварачаси бор. Онахон ҳозир 60 ёшли кенжа ўли Ҳаким ота билан бирга яшайди. Ҳаким ота колхозда таёбчин.

Шаҳрибувининг чеваралари орасида, атрофиди, ўқитувчи, инжонер ва бошқа турли касб оғалари бор. Улар тез-тез табаррук бувиларининг ҳузурида бўлиб, қувноқ давра кўришади. Шаҳрибуви тетик ва бардам.

А. АБДУЛЛИЕВ.



ЖАРОҲАТЛАНИШДАН САҚЛАНИНГ

Киш фаслида қор ёғиб, ер усти ахлаганда тийғончоқлик бўлади. Кишлар бу фаслда йиқилиб жароҳатланишлари мумкин.

Бизга маълумки, йўл ёмон бўлса машиналар ва бошқа техникалар яқин юраолмай қолади. Натижада йўл ҳаракати қондалари бўлиб, жароҳатлар содир бўлади. Сўзимизнинг исботи учун кўйилган воқеани келтиришимиз мумкин.

Кўн қаттиқ совиб, ер ахмалак бўлган январада шахримизнинг катта кўчаларидан бирдан автобиль катастрофаси содир бўлди. Бир неча автомобиллар сафдан чиқди. Талафот кўрган кишлар институтимизга келтирилди.

Шунинг айтиш кераки, баъзи кишлар дам-олиш мақсадида яқин тоғларга чиқиб чанги ва коньки учадилар. Учинг техникаси билан яқин таниш бўлмаган кишларда ҳар хил жароҳатланиш ҳоллари учраб туради. Тийғониб йиқилган кишлар кўпинча ўзларини сақлаш мақсадида

кўларига таяниб йиқиладилар. Бунда кўл суяклари синиши мумкин, Оёқ ва елка суяклари синиши эса тийғониб йиқилишда бир мунча нам учрайди.

Айниқса, киш «фаслда қор ёғиб, ахмалак бўлганда болалар коньки ва чана учиб маданий ҳўрдиқ чиқарадилар. Бу эса болаларни тўғри ва бақувват ўсишга, жисмоний соғлом бўлишга сабаб бўлади. Бирон, баъзи болалар эртадан-кечгача коньки ва чана учиб, ўзларини марчатдилар, натижада оғиратилмайдилар, юпун кишини соғоматдилар. Натижада ҳар хил касалликлар билан оғиратилар: бунда ўпна шамоллаши, томоғ оғриғи ва грипп каби касалликлар содир бўлиши мумкин.

Болалар толиққанларидан вақтида оғиратилмасликларидан тез-тез касал бўладиган бўлиб қоладилар. Айримлар оёқларига коньки тақиб юриб кетаётган машиналарга осилиб оладилар ва кўча қондасига риоя қилмайдилар.

лар. Бу эса кўнгилсиз оғиратиларга олиб келади.

Масалан, яқинда Баҳодир деган 13 ёшли бола Октябрь райони кўчаларида коньки учиб юриб, машинага осиламан деб чан-оёғи билан ерга йиқилди. Унинг оёғи ўртадан синди. У шифохонага оғир аҳволда олиб келинади. Славик деган бола Собир Раҳимов районида кўчада кетатуриб сирпанчиқ отган. Оёғи тоғиб кетди, ўнг қўли билан ерга йиқилди. Шунда унинг кўл суяги синди.

Юқорида баён қилинган кўнгилсиз воқеаларнинг олдинги олинш мумкин. Бунинг учун ҳар бир киши жароҳатини камайтириш учун актив юралиши лозим. Омма ўртасида тушутириш ва тарбиявий ишлар олиб боришимиз ва кўча ҳаракати қондасига доим эътибор беришимиз зарур.

Кишда шикастланишнинг олдинги омиларидан бири ёққан қорни йўлаш ва кўчалардан тезда тозалаш. Йўللарга кум, нўз, туз сепишдан иборат. Бу эса тийғончоқлигини камайтиради. Катта, кў-

Пойтахтнинг Навоий кўчаси

да жойлашган марказий китоб растаси китобхонларга намуна хизмат кўрсатмоқда.

Суратда: растанинг сиссий адабиётлар бўлимида савдо пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

ЖУРНАЛИСТЛАР СЕМИНАР-КЕНГАШИ

Область шахар газеталари журналистларнинг семинар кенгаши бўлиб ўтди. Семинар кенгаш область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими ва Ўзбекистон журналистлар союзи Тошкент бўлими томонидан ташкил этилди.

Маҳаллий матбуот журналистлари семинар кенгаши давомида илғор тақрибларини ўзаро ўртоқлашдилар. Ўнда «Ангренская правда» газетаси редакторининг ўринбосари Ф. С. Петров иқтисодий тежамкорлик режими кўнатириш ва меҳнатин илғий ташкил қилиш соҳасидаги ишларини газетда ёритиш соҳасида тўплаган тақриблар ҳақида, «Алмаликский рабочий» газетаси редактори В. А. Знонарев партия турмуши ҳамда советлар фаолиятини ёритиш формалари тўғрисида гапирдилар.

«Вечерний Ташкент» газетаси адабиёт ва санъат бўлимининг мудир Р. П. Гайдарова ўз сўзида «Социалистический

Чирчик», «Ангренская правда» ва «Алмаликский рабочий» газеталари саҳифаларида маданият, санъат ва адабиёт масалалари қандай ёритилаётганини анализ қилиб берди. «Тошкент бинокори» газетаси редактори Ш. Қосимов редакция ишини ялғаштириш соҳасида тўплаган тақриблардан тақрибди. «Правда Востока» газетаси ходими М. Махмудов, ЎзТАГ ходими А. А. Рудаков ўртоқларнинг чиқишларини ҳам семинар қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Семинар-кенгашда область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари Н. Н. Насимов сўзлади.

Семинар-кенгашда район ва шахар газеталарининг бадий жиҳатдан беэам ва полиграфия изроси бўйича СССРнинг 50 йиллигига бағишлаб ўтказилган конкурс гойибларига мукофотлар тоширилди.

ИШЧИ МАДҲИ

Кимёгарлар шахри Чирчиқнинг давруғини таратишда кўл қадок ишчиларнинг қўшаётган ҳиссаси оз дейсизми! Ана шундай ҳазрати олий дондор ишчилардан бири Файзулла Фаззеховдир.

Бу кимтарин, меҳнатсевар йигитнинг ҳаёт йўли иборатли.

Агар сиз «Камгал Файзулла» деган ҳўжжати фильмини томоша қилсангиз, Ф. Фаззеховнинг жонли образи билан яқиндан танишасиз.

Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳўжжати фильмлари студиясининг бу иқодий маҳсули ҳаётини давҳаларга бой.

„ЯЛЛА“ ҚЎШИҚЛАРИ

Жўшқин иқодий фаолияти учун яқинда Ўзбекистон Ленин комсомолнинг лауреати бўлган севимли «Ялла» ансамбли репертуари қўшиқларга бой. Бу иқодий коллектив Германия Демократик Республикаси, Болгария ва Руминия мамлакатларига қилган гастролдан қайтиб келди.

Истеъдодли ижрочилар концерт репертуаридан мустахкам ўрин олган бир неча қўшиқ Москвадаги Бутуниттифқ «Ме-

лодия» фирмаси томонидан грамластинкаларга ёзиб олинди. Мамлакатимиз бўйича тарқатилган бу грамластинкалар орасида «Андижон полькеси», «Қиз бола» каби асарлар ҳам бор.

А. АХМЕДОВ.

Редактор

А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

„ДЎСТЛИК“ СОВРИНИ УЧУН

Шу йил 15 мартдан 20 мартгача Тошкентда «Дўстлик» соврини учун оғир атлетикаларнинг биринчи халқаро мусобақаси ўтказилди. Бу мусобақага Болгария, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Куба, Польша, Сурин, Германия Федератив Республикаси, Франция спортчилари қатнаш истагич билдирдилар.

СПАРТАКИАДА СТАРТЛАРИ ЯҚИН

СССР халқлари VI спартакиадасининг финал мусобақалари 1975 йил бошлансада, иттифокчи республикалар терма командалари спортчилари айрим турлари бўйича шу масъумдаёқ куч синашишга киришдилар. Энг аввал баскетболчилар мусобақаланишди. Март ойи охирида Каунас ва Вильнюс шаҳарларида Бутуниттифқ ёшлар спорт уйларининг программаси бўйича командалар беллашдилар. Бу ерда кўлга

Яна бошқа мамлакатлардан ҳам вакиллар келиши кўтилмоқда. Мамлакатимиздан иккинчи терма команда алоҳида иштирок этиди. Ўзбекистон спортчилари ўз командаси билан қатнашадилар. Бундан бунён полковникнинг Тошкентда ўтказилган халқаро турнирнинг аъзаваий қилиш мўжлааланишмоқда.

Киритган очколар спартакиада ҳисобига ёилди. Бу ерда Ўзбекистон ёилари РСФСР, Грузия, Қирғизистон, Тошкент ва Москва спортчилари билан учрашадилар. Қизлар командаси финал гуруҳига чиқиш учун РСФСР, Белоруссия, Грузия, Озарбайжон ва Туркиянинг командалари билан мусобақаланишга аниқланди. Шунингдек, сув полоси, волейбол, гандбол, шахмат бўйича ҳам гуруҳдаги рақиблар маълум бўлди.

«Ҳофиз, Жаббор, Абу Нани, Заираб ал Адлий, Ар Розан, Ади Шаграки» каби Ўрта осеилик устازلар ўз даврининг кучли шахматчиларига бўлиб қолмай, бу ўйиннинг йирк назарбетида ҳам эдилар. Таинилингилли шарқшуноси Г. Мэррей «Шахмат тарихи» китобида шахмат Ҳиндистонда эрамининг тахминан 570-йилларда пайдо бўлган деб ҳисоблаган эди. Янги топилма шах-

мат тарихини яна уч асрга узайтирди. Суратларда: ЎзССР Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, профессор Г. Пугаченкова ва санъатшунослик институтининг илмий ходимлари Т. Беляева билан Б. Тургунов топилган шахмат доналари билан.

Шахмат доналари шундай кўринишда эдилар.

В. Лейзерович ва Б. Мауэр фотоси. (ЎзТАГ).

ҲАМЗА номли санъатшунослик институтининг илмий ходимлари Татьяна Беляева ва Баҳодир Тургунов Сурхондарё областидаги экспедиция вақтида қадимий турар-жойлар комплексида бирида, бир бойининг уйида иккита шахмат донасини топиб олдилар. Фил сўнгидан ишланган бу доналарнинг бири фил, иккинчиси буқани тасвирлайди. Фил ҳамаси фарзан родини ўйнаган, буқа эса рух ва-

зифасини бажарган бўлса ажаб эмас. Топилманинг ёиндан чиққан бронза чақа унинг Кўшон давлатига тааллуқлигини билдиради. Иккинчи аср ўрталарида Кўшон давлати барқ уриб турганда, ҳозирги Ҳиндистон, Афғонистон, Покистоннинг шимоли-ғарб районлари ва Ўзбекистон ҳамда Тошкентнинг жанубий районларини бирлаштирган эди.

Ўрта асрларда яшаган Абу

Фолбин ва анқовлар

Жаноят қилдирув бўлими бошчилигини хонасига яқин аёл қилиб келди. Уларнинг бири баланд бўлиб, малласоз, яқинчи эса йирма ёшлар чамасида, ўрта бўйли, кўчалари қисқик, қаттиқ ҳайжонланганлигини сезилиб туради.

Аёл ўзини таништирди. Сўнг шеригига буйруқ оҳангда деди: — Бошлиққа ҳаммасини тақриб бер. Тез бўл. Хали у муттаҳам жуфтанган ростилаб қолмасин.

Насибқул Одилова аввалига гапини нимадан бошлаганини билмай бироз тек туриб қолди. Владимир Евгеньевич унинг гинчаларини, ҳаммасини эслаб, шовшмай сўзлаб беришни илтимос қилди.

«Фирибгар фолбин Соия Мишанова эса бу пайтда Чирчиқдаги Марказий универсал маганини олдиди ҳамтовоғи Валентина Седюкова билан лақмаларини алдир, уларнинг ҳамини илтиш билан овора, Насибқулни сабрсизлик билан кутарди...»

— Фол очирмоқчи эдим.

Қандай қилиб бу фирибгарга йўлиниб қолганимни, унга ҳам ёинидаги 152 сўм пулни, соатимни ечиб берганимни билмайман. Бутун ақли хушимни банд этди. Ишонинг ўртоқ бошлиқ. Нима сабабдан ўзим шундай қилганимни ҳам билмайман.

— У хийлагар яна устидаги пустига ва 300 сўм пул сўрапти. — сўхбатга қўшилди Елена Крылова. — Аллақандай нинани кўлига бериб қўйиб аниқлашти юборармиз.

— Тўхтагил, тўхтагил, — сўхбатчи бўлди Владимир Евгеньевич. — қанақа пустин. 300 сўм? Загилатган нина? Тушутириб гапиринг.

— Мен унга устимдаги мама бу пустин билан 300 сўм пулни буғун соат 12 да элтиб беришим керак эди, — деди Насибқул.

В. Патеев соатига қаради. 12 га хали ярим соат бор. Фирибгарини жаноят устида кўлга олиш керак. Бошлиқ хонага катта инспектор Петр Иванович Фоменконни чақирди ва уни во-

неадан воиф этиб, зудлик билан чора қилишни буюрди.

«Фирибгар Соия Мишанова енг шимариб, аўр бериб лақмаларини алдир, «фолбин келди, кўлингиз бер, сира янглишмай сени нима кутаётганини айтиб берманг, кароматига тан бермасанг тийинининг олмайман» дея вайсар. Валентина эса унинг кўлингизга сув пуркарди.

Медицина билим юрти студенти Полина Пулатова 233 сўмин фирибгарга икки кўли билан туғазган етмай яна қўлидаги қизагини ҳам ечиб бериб бир загилатган нина билан йўлга равона бўлди. С. Мишанова Насибқулнинг кўрши билан юк нечаги ваъда қилган сакарларини сурштирди. Қўзғога ўралган пулни олиб чўнтагига солди.

«С. Мишанова миллини бўлимида ҳаминидаги пул ва кўюмларини стол устига олиб буюр экан, ўзини тетик тутишга уринган, терговчининг «қўзғога ўралган нима» деган саволига «халқид қилгани магазинга келган эдим, қўзғо» ичида 300 сўм

пул бор дерди. Газета ичининг очилганда пул ўрнига қўзғо чиққанини кўрган фирибгар жаноят устида кўлга тушганини аниқлаган ҳамма айбон бўйинга олди.

Алданганини тушунган Полина Пулатова ҳам шу тонда миллини бўлимига нажот излаб ара-додини айтгани келган эди. С. Мишанова фирибгарини учун, «Фолбинликда каромат кўрсатган»лиги учун икки марта жазага тоғилган эди. Лекин у қилмишидан тўғри хулоса чиқармади, қамондан чиққач кўчаларда дайдиб, лақмаларини алдаш эвазига кун кечирини давом эттирди.

— Унинг ҳеч қандай каромати йўқ. — деди жаноят қилдирув бўлими бошлиғи В. Патеев. — олди химиявий усул билан одамларни ланяллатиб келган ҳолос. Ўли фирибгар «нармат кўрсатиш»дан олдин кўлига мис купоросини суртиб оладида, одамларга нинани кўлга ўтказиб қайтиб беради: кўлингизда нинани «куф-суф» би-

лан загилатиб юбораман дердида нинани пайса орасига олиб пуфлашни буюрадди. Мис купоросига ишқалган нина зум ўтмай бошқача тус олади. Бу олди химиявий усулни англамаган лақмалар эса фолбин фирибгарга илҳос қўйиб, бор биситини қандай қилиб икки кўлаб топириб қўйишганини биланшмасди.

Гирт саводсиз, лекин устаси фаранг С. Мишанова Тошкент политехника институтидида сирдан таълим олаётган Чирчиқдаги «Гўнча» фабрикаси ишчиси Н. Одилова, медицина билим юртини тамомлаш арасида турган П. Пулатова сингари тушунган ўқимшли одамларнинг олди бир химиявий усул билан алданган кишини ажаблантиради. Фирибгар-фолбин қилишини га дранжа жасосини олади. Лекин «Ўз бахтини фолбинликка синаб кўрмоқчи» бўлган аниқовлашадиган ўз қалмишларига нима дейишар экан?!

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 23/1 да Евгений Онегин, 24/1 да Севилья сартароши, 23/1 да Травната.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/1 да Олтин девор, 24/1 да Имон, 25/1 да Алишер Навоий.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Ўзбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

«Бизнинг адрес: Тошкент, Памил 80-Тоқа» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор уринбосари — 835885, 837916. Маъсул секретари — 834808. Пропганда, адабиёт ва санъат бўлими — 831936. Саноат, транспорт ва кўриш бўлими — 833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлими — 835811. Қисқоқ ҳўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юрлари бўлими — 839050. Сўз кўрилиши маъий хизмат ва шахар ҳўжалиги бўлими — 837043. Катлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Ўзлонлар бўлими — 838142. Коммутиатор — 830249 дан 830258 гача.